

КЎРГАЗМАДА ЮРТИМИЗ ЖАМОЛИ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан бадий кўргазма ташкил этилди.

Унда юртимиздаги Меҳрибонлик уйлари, Ўқувчилар ижодиёт марказлари, тасвирий санъат студиялари, умумий таълим ва болалар мусика ва санъат мактаблари ўқувчиларининг ижод намуналари намойиш этилмоқда.

Кўргазмадан ўрин олган расмларда истиклолимизнинг азиз неъматлари, табиат манзаралари, пойтахтимизнинг куча ва хиёбонлари ранг-баранг бўёқларда, болаларга хос самимият ва бегуборлик билан акс эттирилган. Бўка туманидаги Ўқувчилар ижодиёт маркази аъзоси Лазиз Эгамовнинг "Шоирга эҳтиром", Тошкент шаҳридаги 145-умумтаълим мактаби ўқувчиси Гузал Рафурованинг "Ўзгирди" каби расмларини кўрган киши бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

ЎЗА.



СПОРТ УМИДЛАРИ ҚАНОТ ЁЗАЖАК

Михайл узунликка сакраш бўйича 6 метр 33 сантиметрлик натижани кайд этиб, биринчи олтин медалини қўлга киритди. У, хаттоки Аббос Жабборов (Сурхондарё) ва Стас Толстох (Тошкент шаҳри) каби кучли рақибларини доғда қолдирди. 1500 метрга югуриш мусобақасида (Давоми. Боши 1-бетда).

собақалари ҳам қизгин ва муросасиз кечди. Вилотимиз вакили Владислав Мамедов ўсмирлар ўртасида марра чизигига биринчи бўлиб етиб келди. Наманганлик рақиб ундан 4 дақиқага, сурхондарёлик тенгдоши эса 5 дақиқага ортда қолиб кетишди. Яна бир вакилимиз Вераника Семёнова қизлар ўртасида етакчилик қилди.

Жамоамиз аъзоларидан Комила Окунбоева узунликка сакраш ва Вера Нестерович ядро улоқтириш йўналишида бронза медалларига эга бўлишди. Мария Озолиниянинг 110 метрга тўсиқлар оша югуриш бобидаги натижаси ҳам чакки бўлмади. У вилотимиз ҳисобига битта кумуш медални қўшиб қўйди. Шахматчиларимизнинг

учинчи ўринни эгаллашгани ҳам ҳар қалай қувонарли. дейди шахмат бўйича бош мураббий Бахтиёр Холмиров. Айниқса, ҳакамлар 12 ёшли вакилимиз Алишер Бекмуродовнинг қобилияти ва маҳоратида катта баҳо беришди. Ундан ташқари, Жаннат Собирова, Зайнабхон Турсунбекова ва Сирожиддин Буранов каби шахматчиларимиз ҳам кучли ўликка кириш учун яхшигина тер тўкишди. Улар бор иқтидор-ю маҳоратларини ишга солиб, вилотимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Спортчиларимизни қўтиб олиш маросими ҳам байрам тусини олди. Жамоамиз кучли ўликка кира олмаган бўлсада, вилотга медаллар шодаси билан қайтган ёшларимизнинг мусобақалардаги муносиб иштироки



этироф этилди. Мутасаддилар олтин медални қўлга киритган қўлибларга 700 минг, кумуш медал соҳибларига 500 минг ва учинчи ўринни эгаллаганларнинг ҳар бирига 300 минг сўм миқдоридagi пул мукофотлари берилаётгани маълум қилишди. **Хурида НАЗАРОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.** Тошкент – Гулистон – Тошкент.

СУРАТЛАРДА: ғолиб бўлган вакилларимизнинг қувончи чексиз. **Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА)** ва **Даврон АХМАД** олган суратлар.

АЙТИМАГАН ТАНБЕХ

Азим Тошкент кўчалари бўйлаб қатнайдиган автобусдаги бир воқеа кўпдан бери мени ўйлантириб келади.

Автобус тирбанд. Ҳамманинг фикру хаёли манзилга тезроқ етиб олишда. Банабоҳ эҳдидаги тили чиккан боланинг ширали овози қулғимга чалина бошлади. Бўйимни қўзиб, кўз унда унинг қимиллигини билмоқчи бўлдим.

Ўйлаганимдек, онасининг қаба-тида ўтириб, эрмак қилиб шеър айтатган болакай экан. Ён-верим-дагилар ҳам зум ўтмай унга тикилиб қолишди.

Бола рўпарасидаги ёши ўтин-қираб қолган кишига қараб қуйдагина хиргойи қиларди:

Ассалому алайкум бойвочча,
Ўнг қўлимда тўппонча.

Пах-пук отаман

Юз сўм берсангиз кетаман.

Боланинг рўпарасидаги киши унга парво қилмай, жим кетаверди. Шунда бола шеърини яна такрорлади. Йўловчи атрофдагилардан истиҳоба қилди шекилли, унга юзлашиб:

– Сенга юз сўм берсам, бошқа ҳеч қимми тўппончанг билан от-майсанми? – деди.

– Отмиyman! – деди бола ҳам унга жавобан.

– Унда мана ол, икки юз сўм, – у киши шундай дея болага пул узатди.

Бола қўлига пулни олган: – Бу кичкина пулку! – деди-да, яна боғи шеърини такрорлай бошлади.

Амаки парво қилмай жимгина

нари кетди. Сўнг навбатдаги бекатда тушиб қолди.

Биз ҳаммамиз қабатига ўғлини олиб унга бир оғиз ҳам сўз демай кетаётган онага тикилганча туриб қолдик. Ахир фарзандининг бу қилими учун бир оғиз танбех бериб қўйиш мумкин эди-ку! Лекин она бундай қилмади.

Бекатда тушиб, манзилга пиёда кетарканман, автобусда бир кишининг қулғимга шивирлаб айтган гаплари хаёлимдан ўтди: "Бозор иқтисодида синглим, ҳозир болалар она қорнидаёқ "пул" деб туғилишмоқда".

Наҳот шу гап рост бўлсал? Масалан, менинг бунга сира ишонгим келмайди...

Ғазира СОДИҚОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тартиби ҳақидаги» Р-2146-сонли Фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Бўка маиший хизмат касб-хунар коллежи	702600, Бўка шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 9-уй
2.	Бўстонлик қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи	702180, Ғазалкент шаҳри, Р. Раимқуллов кўчаси, 23-уй
3.	Қибрай педагогика коллежи	700187, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 112-уй
4.	Оққўрғон қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-хунар коллежи	702700, Оққўрғон тумани, Озод ш/х,
5.	Чирчиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи	702100, Чирчиқ шаҳри, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 3-уй

II. Танловда олий маълумотли, камида 3 йил олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагогик иш стажига эга бўлган, таълим тизимида камида бир йил мобайнида раҳбар лавозимида ишлаган, таънч маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 5 ноябрдаги 39,36/ҚҚ ва 01-275-сонли қарори билан ўзгартириш тасдиқ-ланиб, 2008 йил 5 ноябрдаги 1845-1-сон билан рўйхатга олинган малака талабларига жавоб бериши керак.

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:

- Оққўрғон тумани транспорт ва сервис ҚХҚ
- Бўстонлик тумани хизмат кўрсатиш ва энергетика ҚХҚ
- Бўка тумани агроиктисодиёт ҚХҚ
- Зангиота тумани қурилиш ва тадбиркорлик ҚХҚ
- Қуйичирчиқ тумани хизмат кўрсатиш ва сервис ҚХҚ
- Паркент тумани агросаноат ва сервис ҚХҚ
- Пискент тумани хизмат кўрсатиш ва технология ҚХҚ
- Тошкент тумани маиший хизмат ва тадбиркорлик ҚХҚ
- Ўртачирчиқ тумани қурилиш ва иқтисодиёт ҚХҚ
- Чиноз саноат ҚХҚ
- Янгийўл тумани иқтисодиёт ва сервис ҚХҚ
- Олмалик шаҳар академик лицейи
- Бўстонлик тумани Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисоди-ёт ҚХҚ
- Бекобод техника-иқтисодиёт ҚХҚ
- Бўстонлик Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик ҚХҚ
- Охангарон шаҳар маиший хизмат ҚХҚ
- Ўртачирчиқ қишлоқ хўжалиги ҚХҚ
- Бўка педагогика коллежи
- Чиноз Олмазор қишлоқ хўжалиги ҚХҚ
- Чирчиқ академик лицейи
- Чирчиқ хизмат кўрсатиш ҚХҚ
- Олмалик тиббиёт коллежи
- Бекобод тумани маиший хизмат ҚХҚ
- Бекобод тумани қишлоқ хўжалиги ҚХҚ
- Бўстонлик қурилиш ва коммунал хўжалиги ҚХҚ
- Паркент агросаноат ҚХҚ
- Тошкент тумани Кенсой қишлоқ хўжалиги ҚХҚ
- Қуйичирчиқ, агроиктисодиёт ҚХҚ
- Юқоричирчиқ педагогика коллежи
- Бўстонлик қишлоқ хўжалиги ҚХҚ

2. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:

- Оққўрғон тумани транспорт ва сервис ҚХҚ
- Бўстонлик тумани хизмат кўрсатиш ва энергетика ҚХҚ
- Бўка тумани агроиктисодиёт ҚХҚ
- Зангиота тумани қурилиш ва тадбиркорлик ҚХҚ
- Қуйичирчиқ тумани хизмат кўрсатиш ва сервис ҚХҚ
- Паркент тумани агросаноат ва сервис ҚХҚ
- Пискент тумани хизмат кўрсатиш ва технология ҚХҚ
- Тошкент тумани маиший хизмат ва тадбиркорлик ҚХҚ
- Ўртачирчиқ тумани қурилиш ва иқтисодиёт ҚХҚ
- Чиноз саноат ҚХҚ
- Янгийўл тумани иқтисодиёт ва сервис ҚХҚ
- Олмалик шаҳар академик лицейи
- Бекобод шаҳар маиший хизмат кўрсатиш ҚХҚ
- Қибрай агроиктисодиёт ҚХҚ
- Чирчиқ академик лицейи
- Чирчиқ саноат-иқтисодиёт ҚХҚ
- Зангиота агросервис ҚХҚ
- Бекобод саноат ҚХҚ
- Бекобод техника-иқтисодиёт ҚХҚ
- Оққўрғон қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ҚХҚ
- Паркент агросаноат ҚХҚ
- Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодиёт ҚХҚ
- Чирчиқ олимпиа заҳиралари ҚХҚ
- Бекобод педагогика коллежи

Хужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Қорамурт кўчаси, 1-уй, вилоят Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси. Телефонлар: 150-18-66, 150-40-42.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

«19-сон қурилиш корхоналар бирлашган дирекцияси» қуйидаги объектга танлов савдоси эълон қилади:

«Бекобод туманидаги ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Тошканалининг чап ирмоқдаги каналлар тизимини қайта тиклаш»

Буюртмачининг бошланғич баҳоси: – 418 851 143 сўм ҚҚС билан.

Буюртмачининг бошланғич баҳоси: – 349 042 619 сўм ҚҚС/сиз.

Қурилиш ишларини тугатиш мuddати – 6 ой.

Буюртмачи: «19-сон қурилиш корхоналар бирлашган дирекцияси».

Қурилиш ишлари: давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент вилояти «Тош-консалтингстройторг» давлат корхонаси.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Х. Бой-қаро кўчаси, 3-уй. Тел.: 295-02-92.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмет киймати-нинг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маб-лағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни бе-ришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш база-лари, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мав-жудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншо-отларда ишлаганлик тажриба ва қўникмаларга, шарт-номалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри, Х. Бойқаро кўчаси, 3-уйда ўтказилади.

Эслатма: 2009 йил 2 июндаги «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 68 (7529)-сонида берилган ҳудди шу матили эълондаги таклифлар (офёрталар)нинг очилиши матбуотда эълон берилган кундан бошлаб камида 15 кунда эмас, балки 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри, Х. Бойқаро кўчаси, 3-уйда ўтказилади.

2-троллейбус депоси

Троллейбус ҳайдовчиларини

ишга таклиф этади.

Ўртача ойлик маош 250-350 минг сўм.

Шунингдек, 21 ёшга тўлган йилг ва

қизларни ўқишга таклиф этади.

Ўқиш мобайнида 56080 сўм стипендия тўланади.

Ўқиш мuddати – 5 ой.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ариасой кўчаси,

4-уй (ёқни Пионер кўчаси).

Телефонлар: 253-75-25, 253-78-58.

Зангиота туманидаги 44-ўрта мактаб томонидан 2007 йилда Рамазонов Муроджон Раваҳонжон номига берилган О'Р-Ш № 0737479 рақамли шартнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Учтепа туман (БТИ) томо-нидан Тошкенбаева Малика Аскарвна номига берилган Чиноздор 30-мавзе, 15-уй, 30-хонадонга тегишли уй плани ва давлат ордери йўқолганли-ги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Паркент туман ҳокимлиги ҳузу-ридаги тадбиркорлик субъектлари-ни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Белоклоков Роман Борисович номига 2009 йил 7 майда № 0001225 реестр тартиб рақами билан берилган гувоҳнома, думалоқ муҳр ва бурчак штампни йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Янгийўл туманидаги 48-умумтаъ-лим мактаби томонидан 2007 йилда Зияев Айдер Юсупович номига бе-рилган UN № 2870862 рақамли ша-хдатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туман тад-биркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ин-спекцияси томонидан 03.07.2007 йилда № 003028-10-рақам билан рўйхатга олинган "SUNJAHON BIZNES" (ИНН 300500754) масъу-лияти келганган жамияти-га тегишли бўлган бир дон думалоқ муҳр ва бир дон бурчак тамга йўқол-ганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянную справку № 2442 от 21.04.08г. выданную в БТИ Успенского района на имя Пулатовой Нилуфар Юсуповны по адресу: Успенский район, м-в Исса, дом 102, кв. 27.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Кредиторлар диққатига! Наманган вилояти хўжалик судининг 13 май 2009 йил 16-0907/4279-сонли аҳримига асосан Чуст туман ДСИ-дан 206927022-сон ФТИР билан рўйхатдан ўтган "МЕННОВНИК YIGIRMA OLT" ТХҚга нисбатан банкротликка доир иш қўзғатилган. Корхона кредитдорларининг умумий йиғилиши 2009 йил 5 июнь кунин соат 11.00 да Чуст туман ДСИ би-носининг 3-қават, 30-хонасида ўтказилади. Шу муносабат билан барча кредиторлар ўз даъволари билан иштирок этишлари сўралади. Манзил: Наманган вилояти, Чуст тумани, Н. Файзиев кўчаси, 11-уй.

Утерянную круглую печать, выданную на имя ЧП "Джангиров Д. А".

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълолар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)
Навбатчи муҳаррир
Жўра САБДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Хурида НАЗАРОВА